

Полшалик эксперталар билан учрашув бўлиб ўтди



СМТИда Варшава Шарқий тадқиқотлар марказининг (ШТМ) директори Адам Эберҳардт ва Полшанинг Ўзбекистон Республикасидаги әлчиси Пиотр Ивашкевич билан учрашув бўлиб ўтди. Суҳбат чоғида мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий-сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар, миңтақавий кун тартибидаги масалалар, жумладан, Афғонистондаги вазият, шунингдек, СМТИ ва ШТМ ўртасидаги алоқаларни ривожлантириш истиқболлари мукоҳама қилинди.



Полшалик меҳмонлар Ўзбекистондаги ҳозирги ислоҳотлар ва Тошкентнинг конструктив ташқи сиёсати ўз кўлами ва самарадорлиги жиҳатидан катта таассурот қолдираётганини қайд этдилар. Улар Марказий Осиё давлатларининг ўзаро манфаатли ҳамкорлик ва яхши қўшничилик муносабатларини ривожлантириш борасидаги саъй-ҳаракатларини юксак баҳоладилар. Афғонистоннинг иқтисодиёти ва инфратузилмасини тиклашда халқаро ҳамжамиятини эътиборини жалб қилишда Ўзбекистоннинг ижобий роли алоҳида эътироф этилди.



Учрашув якунида ҳамкорликда эксперталар учрашувлари, давра суҳбатлари, семинарлар, шунингдек, Полша ва Ўзбекистон нашриётларида аналитик материалларни чоп этиш бўйича келишувларга эришилди.